

СИГИРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сайдова Р.

Таянч докторант

Мавзунинг долзарбилиги

Чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича Президентимиз ва хукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартағи ПҚ-5017-сон “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2022 йил 13 январдаги ПҚ-84-сон Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантириши молиялаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда ҳам чорвачиликка қаратилган вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги қунда республикамизда яратилган ягона қорамол зоти бу Бушуев зоти бўлиб, бу зот ўзининг қимматли биологик хусусиятлари- сутдаги ёғлилик даражасининг юқорилиги, гавдасининг йириклиги, озукани маҳсулот билан қоплашининг юқорилиги, озиқлантириш шароитларига талабчан эмаслиги, ташқи муҳит шароитларига ва айниқса қон паразитар касалликларига ниҳоятда чидамлилиги билан бошқа қорамол зотларидан ажралиб туради.

Олимлар, соҳа мутахассислари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида Бушуев зотли қорамолларнинг генофондини сақлаш ва қўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича учрашувлар ташкил этилди. Улар жойларда аҳоли хонадонлари ва фермер хўжаликларида бўлиб, мавжуд муаммолар ечими бўйича аҳоли хонадон эгалари ва фермер хўжаликлари раҳбарларини фикрлари ҳамда таклифлари ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни олиб бориш, яхшиланган генотипдаги қорамолларнинг янги авлодини яратиш келгусида улар популяциясини кенгайтириш, зотни генетик жиҳатдан такомиллаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради ҳамда бу эса тадқиқотларнинг долзарбилигидан далолат беради (1,2,3,4,5,6).

Тадқиқотнинг мақсади: Бушуев зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, экстеръер ва пуштдорлик хусусиятларини конституция типларига боғлиқликда такомиллаштиришдан иборат.

Илмий янгилиги. Илк бор Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ иқлим шароитида яратилган ягона Бушуев зотли сигирларнинг конституция типларига боғлиқликда селекция белгилари ўрганилади ва зотнинг маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилади.

Тадқиқотларни ўтказиш жойи. Илмий-тадқиқотлар 2022-2024 йилларда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги “Турон Равнақ барака” наслчиллик фермер хўжалигидаги бушуев зотли III ва ундан юқори лактациялардаги сигирларда ўтказилмоқда.

Тажриба учун ўхшашлик белгилари бўйича келиб чиқиши, зотдорлиги, ёши, тирик вазни, оналарининг сут маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 10 бошдан иборат 3 та гурӯҳ III ва ундан юқори лактациялардаги сигирлар танлаб олинди.

Кутиладиган натижалар. Бушуев зотли сигирларнинг конституция типларига боғлиқликда насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик ва технологик хусусиятлари такомиллаштирилади. Қорамолларнинг ирсий имкониятларидан унумли фойдаланиш асосида юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратилади.

Тадқиқот натижалари. Биз тажриба гурӯҳларидаги сигирларнинг 90 кунлик давомидаги сут маҳсулдорлигини ўргандик. Унинг натижалари 1-жадвалда келтирилади.

1 жадвал Тажрибадаги сигирларнинг 90 кунлик даврида сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гурӯҳлар		
	I	II	III
	10	10	10
Сут миқдори, кг	1807,5±10,92	1675,6±7,42	1521,8±10,84
Сутдаги ёғ,%	3,72±0,01	3,74±0,01	3,75±0,01
Сутдаги оқсил,%	3,35±0,01	3,36±0,02	3,37±0,01
Сут ёғи чиқими, кг	67,2±3,4	62,6±7,2	57,1±4,5
Сут оқсили чиқими,кг	60,6±3,6	56,3±5,6	51,3±3,9

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, I тажриба гурӯҳидаги сигирларнинг 90 кун давомидаги сут миқдори 1807,5 кг ни ташкил этиб, II ва III гурӯҳлардаги тенгқурларницидан 131,9 ёки 7,87% ва 285,7 ёки 18,77% га юқори бўлди. Шунга мос равишда сут ёғи чиқими 4,6 кг (7,3%)га ва 10,1 кг (17,6%)га, сут оқсили чиқими 4,3 кг (7,6%) ва 9,3 кг (18,1%) га юқори натижани кўрсатди.

Сирдарё туманида сигирларни сунъий уруғлантириш ишлари таҳлил қилинди ва иш режасига кўра 6155 бош бўлиб, амалда 6163 бошга бажарилди. 8003 доза наслли буқа уруғи зооветпунктлар томонидан олинди (2-жадвал).

2-жадвал Сирдарё туманида сигир ва ғунажинларни сунъий урчиши жадвали

Т/р	Зооветпунктлар номи	Сунъий урчилиди		Наслли уруғ олиш		
		Шу ойда қочириш	Йил бошидан қочирилди	Кирим	Қолдик	Қарздор лик
1	Маъруф Латипов	39	543	705	0	0
2	Набижон Нурмат Нур	51	642	824	0	0
3	Турсуной Наргиза	41	581	755	0	0
4	Маматқобил Аширалиев	35	502	652	0	0
5	Саъдулла Ўрозов	39	549	714	0	0
6	Тарона Шодаси	31	433	562	0	0
7	Тоғаймурод Қурбонов	40	560	729	0	0
8	А. Нодирабегим	36	509	661	0	0
9	Х. Асрорбек	52	731	950	0	0
10	Умиджон Шахобиддин	50	711	924	0	0
11	Камалак Жилоси	28	403	527	0	0
ЖАМИ :		442	6163	8003	0	0

Туман бўйича бушуев зотли қорамолларни урчишиб кўпайтириш ва уларнинг гурухлари (зоти, ёши, жинси) бўйича фермер хўжаликлари кесимида рўйхати шакллантирилди (3 жадвал).

3-жадвал Бушуев зотли қорамолларни урчиши билан шуғулланувчи фермер хўжаликлар

Т/р	Хўжаликлар	Жами қора мол	Бушу- ев зотли	Бушуев		сиги р	буқ а	буқа ча	Ғуна- жин ва танала р	бузо к
				Соф зотли	Дура -тай					
1	Турон равнақ барака	78	78	70	8	42	1	4	23	8
2	Мехри дарё	120	120	109	11	30	1	21	50	18
3	Чорвадор авлодлари	28	10	7	3	3	-	2	3	2
4	Олимхон	32	10	7	3	7			3	
5	Шариф ота Норбоев	39	4	2	2	4				
6	Муқаддас Ғулом	38	8	4	4				5	3
7	Рўзимурод ИОК	44	8	3	5				6	2
8	Фарангиз Фазилат	32	4	2	2				3	1
9	МФХ Баходир	74	15	8	7	10			2	3
	Жами	485	257	212	45	96	2	27	95	37

Туманда соф Бушуев зотли ва уларнинг дурагайларини урчитиб қўпайтираётган фермер хўжаликлар сони 9 тани ташкил этиб, уларда қора-ола зотли қорамоллар ҳам асралмокда. Хўжаликларда жами 485 бош қорамол бўлиб, шундан 257 бош соф Бушуев (212 бош) зоти ва унинг дурагайларидан (45 бош) иборат.

Сирдарё туманида Бушуев зотли қорамолларни урчиши билан шуғулланувчи аҳоли хонадонларини ўрганиш натижаларига қўра, туман ҳудудлари кесимида соф зотли ва дурагайларидан жами 297 бош қорамол бўлиб, шундан 117 бошни соф зотли ва 180 бошни дурагай моллар ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият аҳоли хонадонларидаги қорамолларнинг семизлик даражаси яхши ва улардан олинаётган сут миқдори кунига ўртacha бир бош соғин сигирдан 9-12 кг дан тўғри келмоқда.

Туман бўйича аҳоли хонадони ва фермер хўжаликлирида жами Бушуев зотли ва ушбу зотнинг дурагай молларидан жами 554 бош бўлиб, шундан соф Бушуев зотли моллар 329 бошни, унинг дурагайлари эса 225 бошни ташкил этади.

Бушуев зотли қорамолларни қўпайтириш бўйича илмий асосланган таклифлар шундан иборатки, қорамолларни урчиши ва қўпайтириш юқори маҳсулдор подалар шакллантириш ва хўжаликларга наслли мол етказиб берувчи репродуктор хўжаликларни ташкил этиш ҳисобига Бушуев зотли қорамолларнинг генофонди сақланади, қўпайтирилади, маҳсулдорлиги ошади ва хўжаликларга наслли моллар етказиб берилади. Илмий-тадқиқот институтлари негизида Бушуев зоти бўйича селекция маркази ташкил этиш орқали зотнинг истиқболли селекция-наслчилик ишлари режаси бўйича илмий изланишлар олиб борилади. Зот бўйича селекцион-генетик параметрлар ишлаб чиқилади. Бушуев зотли қорамолларни урчиби қўпайтираётган аҳоли хонадони ва фермер хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, зотнинг сон ва сифат қўрсаткичлари яхшиланади. Бушуев зотли моллар асралаётган аҳоли хонадонларига шартнома асосида ем-хашак озуқаларни етказиб берувчи чорвачилик кооперативларини ташкил этиш ҳисобига, бушуев зотли қорамолларнинг генофонди сақланади, қўпайтирилади

Хунос

Соҳада илм фан янгиликларини амалиётга жорий этиб, наслчилик ишларини ривожлантириш, сигирларни сунъий уруғлантириш даражасини кенгайтириш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш, оралиқ ва тақрорий экинлар экишни йўлга қўйиши, озуқа экин майдонларидан самарали фойдаланиб, йилиги ҳар гектар озуқа еридан камида 12-14 тонна озуқа бирлигига озуқа жамғариш, озуқа экинлар бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, Бушуев зотли қорамолларнинг генфондини сақлаш, қўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини оширишда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авизов А.Г., Акмалхонов Т.Ш., Балласов У.Ш. -Некоторые аспекты сохранения генафонда Бушуевской породы. Зооветеринария №5 2008 г.
2. Аширов М.Э., Акмальханов Ш.А. ва бошқалар. «Чорвачиликни ривожлантириш ва соҳада озуқа базасини мустахкамлаш бўйича тавсиянома». Тошкент 2010 йил. УзНИИЖ. “Племэлита”. 20 бет.
3. Бойбулов Б.Ш “Молочная продуктивность, воспроизводительная способность и свойства вьемени коров бушевской породы разных линий, Автореферат, 2008 г.
4. Мустафаев А.М. – План племенной работы с бушевской породы скота. Т. “Мехнат” 1989 г.
5. Рўзибоев Н.Р., Гиясов Х.А. Бойбулов Б.Ш. “Ўзбекистонда яратилган ягона қорамолларнинг зотини сақлаб қолайлик”. Ж. “Чорвачилик ва наслчилик иши” №20, 2021г., 8-12б.